

STUDYING THE HISTORY OF THE FERGANA VALLEY IN FOREIGN HISTORIOGRAPHY

Yuldashev Saidanvarbek Baxromjon og'li, Alokunov Alisher Akhmadjanovich

Doctor of Philosophy on historical sciences, Senior Lecturers of the Department of World History Fergana State University, Uzbekistan, Fergana

ARTICLE INFO.

Key words:

Fergana, Hephthalites, Turkish Khanate, Sassanids, Arab Caliphate, Samanid state, source of historiography.

Annotation

The article analyzes foreign studies on the history of the 5-10th century, an important period in the history of the Fergana Valley. The scientific significance of the sources of historiography created in English, Russian, French, Turkish and other languages, scientific innovations, shortcomings and their reasons are indicated.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Ҳозирги кунга қадар жаҳон тарихшунослигида ва мамлакатимизда Марказий Осиё, шу жумладан, Фарғона^{*1} тарихи тўғрисида салмоқли илмий асарлар яратилган. Ушбу тадқиқотларда Фарғона водийси тарихининг айрим жиҳатлари хусусида жиддий мулоҳазалар учрайди. Уларни географик ҳамда даврий жиҳатдан 3 гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1) хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётлар; 2) Россия империяси ва совет даврида яратилган илмий асарлар; 3) мустақиллик йилларида нашр этилган тадқиқотлар.

Турли малакатлар олимлари қаламига мансуб, Ўрта Осиё тарихига бағишланган айрим асарларда Фарғона водийсининг V–X асрлар тарихига оид баъзи маълумотлар учрайди [1–53]. Бироқ шу кунга қадар хорижий муаллифлар томонидан Фарғона водийсининг V–X асрлар тарихига оид алоҳида тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Фарғонанинг V–X асрлар даври тарихига оид хорижий мамлакатларда яратилган тадқиқотларда алоҳида фикр ва мулоҳазалар билдирилмаган. Шунга қарамай, Франция, Россия, Европа, Америка, Туркия, Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларида эълон қилинган илмий ишларда бизни қизиқтирган муаммо доирасидаги баъзи эътиборга лойиқ фикрлар баён этилган.

Бартелеми Д'ербело де Молинвиллнинг "Bibliothèque orientale" ("Шарқ кутубхонаси") библиографик тўпламида Фарғонадан етишиб чиққан олимлар қаторида Аҳмад Фарғоний ва Фарғонанинг ўрта аср шаҳарлари Андижон, Ахсикент, Хўжанд, Қува, Косон каби шаҳарлари

* Изох 1.: Фарғона – ўрта асрларда бу ном остида бутун Фарғона водийси тушунилган бўлиб, X асрда унинг пойтахти Ахсикат шаҳри бўлган. Унинг харобалари ҳозирги Наманган шаҳри яқинида жойлашган. Фарғона вилояти у вақтда Араб халифалигининг энг шарқий чеккасидаги чегараси ҳисобланган ва шарқда Уйғур хоқонлиги, шимолда эса қарлуқлар ери билан чегарадош бўлган. Фарғона водийси атамаси анча янги тушунча ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб тадқиқотимизда истифода этилган Фарғона водийси деганда илк ўрта аср тарихий манбаларида тилга олинган Фарғона ҳудудлари назарда тутилган. Қаранг: Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ул-ард. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – Б. 85–98.

тўғрисида маълумотлар ўрин олган. Қизиқ жиҳати шундан иборатки, асар XVII асрда яратилган бўлса-да, муаллиф асарни ёзишда ўрта аср араб ва форс-тожик тилидаги манбалардан унумли фойдалана олган [22: 340-341-б, 739-б, 985-б].

Э. де Замбаур ўзининг “Manuel I genealogie et de chronologie pour l’histoire de l’islam” (“Ислом тарихи учун насабнома ва хронология бўйича қўлланма”) номли асарида ислом тарихидаги кўплаб сулолалар катори Фарғонадан етишиб чиққан Хоконийлар ва Сомонийлар тўғрисида маълумот бериб ўтган [42: 13-240-б].

И.Кристофер Бесквиснинг 1993 йилда нашрдан чиққан “The Tibetan empire in Central Asia: a history of the struggle for great power among tibetans, turks, arabs and Chinese during the Early middle ages” [20: 281-б] (“Марказий Осиёдаги Тибет империяси: Ўрта асрлардаги тибетликлар, турклар, араблар ва хитойликлар ўртасида буюк куч учун кураш тарихи”) номли асарида ҳам Фарғонанинг турклар ва араблар давридаги Хитой билан алоқалари тўғрисида ҳикоя қилинади. Унда 717 йилнинг август ойида Фарғона можароси сабаб Оксув (Аксу) худудидида содир бўлган Танг империяси ва Араб халифалиги ўртасидаги “Оқсув жанги” тўғрисида маълумот берилди [20: 88-89-б]. Муаллиф келтирган маълумотларнинг ишончлилиги анча юқори, чунки у ўз ишида араб, хитой манбаларидан ҳамда турли даврлардаги тарихшунослик ва манбашунослик тадқиқотларидан унумли фойдаланган.

Унинг “Empires of the Silk Road (a history of Central Eurasia from the Bronze age to the present)” (“Ипак йўли империялари (Евроосиё маркази бронза давридан бугунгача)”) номли монографиясида ҳам Фарғона араблар, турклар, хитойликлар ва тибетликлар манфаати тўқнашган худуд сифатида тасвирланади [21: 133-б].

Тожикистонлик олим М.М.Исаматов тадқиқотларида ҳам Марказий Осиёнинг эфталийлар даври тарихига оид маълумотлар келтирилган. Унинг номзодлик иши “Та’рихи Табари Абу ‘Али Бал’ами как источник изучения взаимоотношения эфталитов и сасанидов (IV–VI)” (“Абу ‘Али Бал’амийнинг “Та’рихи Табарий” асари эфталийлар ва сосонийлар ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этишда манба сифатида (IV–VI)”) мавзусида бўлиб [48: 19-б], унда “Та’рихи Бал’амий”^{*1} асосида эфталийлар ва сосонийлар муносабатлари тадқиқ этилган. “Та’рихи Бал’амий”да Хусрав Ануширвон даврида Фарғона тўғрисида қисқача маълумот берилган бўлса-да [55: 981-б], унда Фарғона водийси ҳақида батафсил маълумотлар келтирилмайди.

Юқорида келтириб ўтилган “Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья” (“Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқ ўрта асрлар даврида”) номли тўпламнинг Г.А.Брыкина, Н.Г.Горбуновалар томонидан ёзилган “Фергана” (“Фарғона”) қисмида водийнинг илк ўрта асрлар даври тарихининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари қисқача ёритилган. Муаллифлар, асосан, Фарғона водийси тарихини археологик материаллар асосида ёритиб, тарихий манбалардан фойдаланган ҳолда уларни тўлдиришган [4: 93-114-б].

Арабларнинг Марказий Осиёга, жумладан, Фарғонага амалга оширган истилолари туркиялик тарихчи Зекириё Китошчининг “Türkistan’in araplar tarafından fethi” [44: 170-б] (“Туркистоннинг араблар томонидан забт этилиши”) деб номланган монографиясида ҳам тадқиқ этилган. Тадқиқотчи суғдийларнинг арабларга қарши кўзғолони тўғрисидаги ҳикоясида суғдийларни Фарғонага ўтказмаслик ҳақидаги қарорни тахт вориси Балазнинг онаси қабул қилганлигини ёзади [44: 137-б]. Аслида эса, манбаларда бу ишларга Алутарнинг онаси бош-қош бўлганлиги таъкидланади [54: 169-б].

С.М.Гордон ўзининг “The Khaqanid families of the early ‘Abbasid period” [37: 236-255-б]

* Изох 1.: Араб ва форс тилида яратилган асарларнинг номланиши ҳамда тарихий шахслар исмлари шарқшуносликда қабул қилинган умумий қоидалар асосида ёзилди. Масалан: ‘Амр, Сам’оний, ‘Аббосийлар ва б.

(“Аббосийлар бошқаруви дастлабки даврида Хоқонийлар сулоласи”) номли мақоласида водийнинг туркий сулоласи авлодалари ҳисобланган Хоқонийлар ва Ихшидийларнинг Яқин Шарқда фаолият кўрсатган барча вакиллари таснифлаб чиққан.

Хитойлик мусулмон тарихчиси Жамолиддин Баи Шоуйи Хитойда ислом дини тарқалиши тарихига оид асарлари билан танилган. Унинг “A history of Chinese Muslim” [19: 235-236-б] (“Хитой мусулмонларининг тарихи”) асарининг иккинчи қисмида 715 йилда араблардан Кучу (Анси номли хитой претекторати)га кочган Фарғона ихшиди Бошакнинг Танг империясидан ёрдам сўраганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

С.Вайтинг Марвин томонидан 2002 йил Нью-Йоркда нашр этилган “Imperial Chinese military history: 8000 BC–1912 AD” [36: 605-б] (“Хитой империясининг ҳарбий тарихи: мил.авв. 8000–милодий 1912 йилгача”) номли монографиясида VIII аср биринчи ярмида Танг империяси ва Фарғона давлати ўртасида ўзаро алоқалар тўғрисида ҳикоя қилинади. Унинг асарида келтирилишича, Алулар 715 йилда араблар ёрдами билан тахтга келган [36: 276-б]. С.Вайтинг Марвин ўз асарида келтирган маълумотларни асослашда бирорта ҳам асар ёки манбадан ҳаволалар келтирмайди. Демак, унинг фикрлари баҳс талаб ҳисобланади.

Водийнинг араблар ҳукмронлиги остига ўтиши ҳамда келиб чиқиши Фарғонадан бўлган Ихшидий ва Сомонийлар сулоласи тўғрисида тарихий манбаларга асосланган маълумотларни озарбайжон олими Али-заде Айдин Ариф ўғлининг “Хроники мусульманских государств I–VII веков хиджры” [1: 5-б] (“Хижрий I–VII асрлардаги мусулмон давлатлари солномаси”) номли асарида кўришимиз мумкин [1: 303-б].

Хитой йилномаларига асосланган ҳолда Фарғонани бошқарган туркий сулола Ғарбий хоқонликнинг бир тармоғи бўлганлиги ҳақидаги фикрни З.Штаркнинг тадқиқотида кўришимиз мумкин [41: 221-222-б]. Тадқиқотчи водийдаги маҳаллий сулоланинг марказий шаҳри Ахсикентда жойлашганлигини таъкидлайди [41: 222-б]. Аммо Ахсикент VIII аср ўрталаридан бошлаб пойтахт вазифасини бажара бошлаган. Унгача маҳаллий сулола Қувада ҳам истиқомат қилган.

Совет даври ва Россия тарихчиси И.М.Фильштинский Араб халифалиги тарихига оид кўплаб манбаларни рус тилига таржима қилган. Шунингдек, халифалик тарихига доир кўплаб асарлар ҳам яратган. Унинг “Халифат под властью династии Омайядов (661–750)” [15] (“Халифалик Умавийлар сулоласи ҳукмронлиги остида (661–750)”) ва “История арабов и халифата (750–1517)” [16] (“Араблар ва халифалик тарихи (750–1517)”) номли асарлари биз тадқиқ этаётган мавзуга алоқадор ҳисобланади. Унинг Фарғонани араблар истилоси вақтида ислом кўшини учун Хитойга бориш йўлининг асосий бўғини сифатида тасвирлаши ва Қутайба водийга бостириб келган вақтда бу ерда иккита ҳукмдор мавжудлиги тўғрисидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эгадир [15: 157-б].

М.Федоровнинг “Farghana under the Samanids (According to the Data of Numismatics)” [25: 119-129-б] (“Сомонийлар даврида Фарғона. Нумизматик маълумотларга кўра”) ва “The date of the transition of Akhsīkat to the Samanid appanage ruler Muḥammad b. Asad” [26: 361-364-б] (“Ахсикатнинг Сомоний ҳукмдор Муҳаммад ибн Асад бошқарувида ўтиш санаси”) номли мақолаларида Фарғона водийсида фаолият кўрсатган сомоний волийлар ва туркий хожиблар тўғрисида сўз юритилади. Нумизматик манбалар асосида ёзилган ушбу мақолалардан сомонийларнинг Фарғонадаги ҳукмронлик йилларини аниқлаштиришда фойдаланиш мумкин.

А.Курбановнинг Берлинда ҳимоя қилган “The Nephthalites: archaeological and historical analysis” (“Эфталийлар: археологик ва тарихий таҳлил”) мавзусидаги докторлик (PhD) ишида ҳамда Москвада нашр этилган “Эфталиты” (“Эфталийлар”) [10: 5-б] номли тарихий очеркида Эфталийлар давлати тўғрисидаги манбалар, археологик изланишлар ва илмий адабиётлар

тизимли таҳлил қилинган [53]. Тадқиқотда эфталийлар давридаги Фарғона водийсининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати тўғрисида қисқача тўхталиб ўтилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, муаллиф водий тўғрисида илмий адабиётларда келтирилган фикрларни қайд этиш билан чекланган.

О.Г.Большаков “История Халифата” [3] (“Халифалик тарихи”) номли халифалик тарихига бағишланган тўрт қисмдан иборат асарининг охириги қисмида Фарғонанинг араблар томонидан эгалланилиши ва ундан кейинги тарихий воқеалар тўғрисида ҳикоя қилади [3: 84-110-111-124-125-б]. Аммо тадқиқотчи араблар истилоси тўғрисида сўз юритар экан, фақатгина араб манбаларига мурожаат қилган холос. Суғдий ва хитой манбаларидан фойдаланмаган.

Британиялик ўрта асрлар тарихчиси Хью Кеннеди ўзининг “Великие арабские завоевания” [8] (“Арабларнинг буюк истилolari”) номли монографиясида Қутайба ибн Муслим (86–96/705–715), Наср ибн Саййорнинг (121–131/739–748) Ўрта Осиёга, жумладан, Фарғонага амалга оширган ҳарбий юришлари, Талас жанги (751) ва уларнинг оқибатлари тўғрисида маълумот беради. Тарихчи асарда келтирилган маълумотлар қайси манбадан олинганлиги тўғрисида ҳаволалар келтирмаган [8: 257-б]. Шунга қарамадан, маълумотлар мазмунидан унинг фақат араб манбаларидан фойдаланганлигини ҳулоса қилишимиз мумкин.

Туркиялик олима Муслуме Челикташнинг тадқиқотида ҳам Фарғона водийси тарихига доир бир қанча маълумотлар бор [45: 144-б]. Унда келтирилишича, Бактрия забтидан сўнг эфталийларнинг бир қисми Фарғонага келишади. Сўнгра улар Суғдиёна ва Бактрия орқали Ҳиндистонга ўтиб, ярим оролнинг шимоли-ғарбий худудларини эгаллаб, Кушон салтанати ерларини батамом ўзига бўйсундиради [45: 64-б]. Аммо тадқиқотчи эфталийларнинг Фарғона билан боғлиқ келтирган маълумотига бирон-бир манбадан ҳавола келтирмайди. Шунинг учун у келтирган маълумот бироз баҳс талабдир.

Немис шарқшуноси Юлиус Велльхаузен Шарқ тарихига доир кўплаб асарлар яратган. Унинг “Арабский халифат. Золотой век ислама” [5] (“Араб халифалиги. Исломнинг олтин асри”) асари, Араб халифалиги ва унинг энг юксалган даври тўғрисида ҳикоя қилади. Арабларнинг Ўрта Осиёга юришларини тасвирлаш давомида Фарғонадаги воқеаларни ҳам ёритади. Асарда келтирилишича, 715 йилда Қутайба Фарғонадаги масжидда Сулаймонга қарши чиқади ва ўлдирилади [5: 138-139-б]. Аммо 715 йилда Фарғонада масжид барпо этилганлиги манбаларда акс этмаган. Шунингдек, Балазурийда Қутайбанинг ўз чодирда ўлдирилганлиги келтирилади [57: 290-б]. Бошқа бир маълумотга кўра, Қутайба Марвда ўз яқинлари ва ўғли Касир билан бирга ўлдирилган [56: 121-б].

Мавзуга оид изланишлар таҳлили V–X асрларда Фарғонанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёти масаласи ҳозиргача тарихшунослигимизда яхлит фундаментал тадқиқот сифатида комплекс равишда ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Манбалар ва адабиётлар / Источники и литература / References

1. Али-заде А.А. Хроники мусульманских государств I–VII веков хиджры. Изд. 2/е, испр. и доп. – Москва: Умма, 2004. – 445 с
2. Алмас Т. Уйгуры. Кн.2. – Алма-Ата, 1994. – 351 с.
3. Большаков О.Г. История Халифата. Т.IV. Апогей и падение. – Москва: Восточная литература РАН, 2010. – 369 с.
4. Брыкина Г.А., Горбунова Н.Г. Фергана / Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. Под общей редакцией академика Б.А.Рыбакова. – Москва: Наука, 1999. – 380 с.

5. Велльхаузен Ю. Арабский халифат. Золотой век ислама / Пер. с англ. Т.М.Шуликовой. – Москва: Центрполиграф, 2018. – 176 с.
6. Заднепровский Ю.А. Тюрки в Фергане (по археологическим данным) // Новое о древнем и средневековом Кыргызстане. – Вып. 2. – Бишкек, 1999. – С. 77–79.
7. Караев О.К. Арабские источники / Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.) – Бишкек: Илим, 2004. – 102 с.
8. Кеннеди Х. Великие арабские завоевания / Хью Кеннеди: пер. с англ. Г.Соловьевой. – Москва: АСТ, 2010. – 475 с.
9. Кожа М. Походы арабов в районы Ферганы, Чача и Средней Сырдарьи в VIII веке // Материалы и исследования по археологии Кыргызстана. Вып. 4. – Бишкек: Илим, 2009. – С. 97–103.
10. Курбанов А. Эфталиты (очерки истории). – Санкт-Петербург: Европейский дом, 2006. – 152 с.
11. Кочнев Б.Д. Нумизматическая история Караханидского каганата: 991–1209 гг. – София, 2006. – 255 с.
12. Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – Санкт-Петербург, 2008. – 238 с.
13. Литвинский Б.А. Буддизм в Средней Азии // ВДИ. – 2001. – №4. – С. 188–199.
14. Роберт Ч. Истер. Буддизм. Путь к нирване. В кн. Религиозные традиции мира. – Бишкек, 1997. – 248 с.
15. Фильштинский И.М. Халифат под властью династии Омайядов (661–750). – Москва: Соверопринт, 2005. – 232 с.
16. Фильштинский И.М. История арабов и халифата (750–1517). – Москва: Восток-Запад, 2006. – 350 с.
17. Arthur F. The Sui Dynasty. New York: Knopf, 1978. – 237 p.
18. Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu – The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate. Ankara: TİKA, 2007. – 244 p
19. Bai Shouyi. A history of Chinese Muslim. Vol. 2. Beijing: Zhongua Book Company, 2002.
20. Christopher I. Beckwith. The Tibetan empire in Central Asia: a history of the struggle for great power among tibetians, Turks, Arabs and Chinese during tre early middle ages. – New Jersey: Prinseton university press, 1993. – 281 p.
21. Christopher I. Beckwith. Empires of the Silk Road (a history of Central Eurasia from the Bronze age to the present). – New Jersey: Prinseton university press, 2009. – 499 p.
22. D'herbelot M.B. Bibliotheque oriental ov dictionaire universel. – Paris: Compagnie des Libra`res, 1777. – 1078 p.
23. Enoki K. On the Nationality of the Ephtalites // Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko, 1959. №18. – P. 1–59.
24. Enoki K. The origin of the white or Heptalites // EW. 1955. Vol. VI. – P. 232–236.
25. Fedorov M. Farghana under the Samanids (According to the Data of Numismatics) // Journal of Persian studies. Iran, Vol. 42 (2004). – P. 119–129.

26. Fedorov M. The date of the transition of Akhsīkat to the Samanid appanage ruler Muḥammad b. Asad // *Journal of Persian studies*. Iran, Vol. 46 (2008). – P. 361–364.
27. Frye R.N., Sayili A.M. The Turks in Khorasan and Transoxiana at the time of the Arab conquest // *The Moslem World*. – Hartford, 1945. – P. 308–320.
28. Frye R.N. The role of Abu Muslim in the “Abbasid Revolt” // *The Muslim World*. – Hartford, 1947. Vol. XXXVII. – P. 28–38.
29. Fuchs W. Huei-Ch’ao’s Pilgerreise durch Nordwest Indien Zentral Asien um 726 // *APAW*. – 1938. Vol. 30. – P. 426–469.
30. Grenet F., de La Vaissière É. The last days of Pandjikent. *Silk Road Art and Archaeology*. 8. // *Journal of the Institute of Silk Road Studies*. – Kamakura, 2002. – P. 155–196.
31. Kafesoglu I. *Türk Milli kültürü*. – Istanbul, 1993. – 454 s.
32. Kurat A.H. Kuteybe bin Müslim’in Hvarizm ve Semerkend’I zebti (higri 93-94-miladi 712) / *Ankara Universitesi Dil va Tarih – Gôgrafiya dergisi*. –Cilt VI. – № 4. – S. 387–430.
33. Klimkeit H.J. Buddhism in Turkish Central Asia // *Humen*. – 1990. – vol. 37. – P. 53–69.
34. Le Coq von A. *Türkische manichaica aus Chotscho I* // *APAW*. – Anhung 1911. – Berlin, 1912. – 61 p.
35. Litvinskiy B.A., Ahmad Hasan Dani. *History of Civilizations of Central Asia: Tre crossroads of civilization, A.D. 250 to 750*. UNESCO, 1996. – 569 p.
36. Marvin C Whiting. *Imperial Chinese military history: 8000 BC – 1912 AD*. – New York: Writes club press, 2002. – 605 p.
37. Matthew S. Gordon. The Khaqanid families of the early Abbasid period // *the journal of the American Oriental Society*. Vol. 121, Issue 2. 2001. – P. 236–255.
38. Nesimi Y. *İlk türk – islam devletleri tarihi*. – Ankara: 1992. – 146 s.
39. Pulleblank E.G. *Chines and Indoeyropian* // *Jornal of Royal Asiatic of Great Britan and Irland*. – London, 1966. – P. 9–39.
40. Rein Taagepera. *Size and Duration of Empires: Growth-Decline Curves, 600 B.C. to 600 A.D.* *Social Science History*. Vol. 3, 1979. – P. 115–138.
41. Stark S. *Die Alttürken zeit in Mittel-und Zentrlasien*. Wiesbaden, 2008. – 552 p.
42. Zambaur E. de. *Manuel I genealogie et de chronologie pour l’histoire de l’islam*. Hannover: Orient-Buchhangung Heinz Lafaire, 1927. – 449 p.
43. Wilkinson E. *Chinese History: A New Manual*, Cambridge, MA: Harvard University Press, 2013. – 1181 p.
44. Zekeriya Kitapçı. *Türkistan'in araplar tarafından fethi*. – Istanbul: Türk dünyasi arařtırmalari vakfi, 2000. – 170 s.
45. Çeliktaş Müslüme Melis. *Ak hunlar tarihi üzerine Türkiye ve dünyada yapılan çalışmaların deęerlendirmesi*. Ankara, 2011. – 144 s.
46. Marşak B.I. *Türkler va Soędlular* // *Türkler*, 2 cilt. – Ankara: Yeni Turkiye yayınlari. 2002. – S. 170–178.
47. تۇرغۇن ئالماس. ئۇيغۇرلار. مېيۇنخېن: دۇنيا ئۇيغۇرلار قۇرۇلتىيى، 2010. 322 ب.

48. Исаматов М.М. Таърихи Табари Абу Али Балъами как источник изучения взаимоотношения эфталитов и сасанидов (IV–VI). Автореферат диссертации соискание учёной степени кандидата исторических наук. – Душанбе. 1994.
49. Исаматов М.М. Эфталитское государство и его роль в истории Центральной Азии. Автореферат диссертации соискание учёной степени доктора исторических наук. – Душанбе. 2009.
50. Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дисс. канд. филол. наук. – СПб, 2004.
51. Хакназаров А. Борьба таджикского народа против арабского халифата. Специальность: 07.00.02 – Отечественная история. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Душанбе, 2010. – 46 с.
52. Ekrem E. Hsüan Tsang Seyahetnamasına göre Türkistan. Basılmış doctora tezi. Hacettepe Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003.
53. Kurbanov A. The Hephthalites: archaeological and historical analysis. PhD thesis submitted to the Department of History and Cultural Studies of the Free University. – Berlin, 2010.
54. The History of al-Tabari. / Translated by David Stephan Powers. – Vol. 24. – New York: State University of New York Press, 1989. – 237 p.
55. تاریخ بلعمی. ترجمی تاریخ طبری. جلد دوم. کتابفروشی زوار تهران شاه آباد. 1353. 632ص.
56. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осий цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – 219 б.
57. Абу-л-‘Аббос Ахмад Ибн Йахйо Ал-Балозурий. Футух ал-булдон. (Хуросоннинг фатх этилиши) / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С. Камолитдин. – Тошкент, 2017. – 440 б.
58. Yuldashev S.B. *Ferghana in the VII century: It's development as a powerful state and its collapse* // History Research Journal. 2019 vol. 5. Issue 6. – P. 2952–2964.
59. Yuldashev S.B. *Samanids of Ferghana* // International journal for social studies. 2020. vol. 6. Issue 01. – P. 120–135.
60. Yuldashev S.B. *The impact of the Aksu battle on Ferghana* // ERPA International Journal of Research and Development. 2020. Vol. 5 (8). P. 60–64. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4917>
61. Yuldashev S.B. *Early arab invasions of Fergana* // «Евразийский Союз Ученых» научный журнал. – Москва, – 2020. – № 8 (77/4). – P. 31–35.
62. Yuldashev S. Visit of chinese ambassador dung wan to Fergana // Конференции. – 2021.
63. YS Vaxromjon og'li. Study of the History of the Fergana Valley of the Karakhan Period in the Works of BD Kochnev and MN Fedorov // American Journal of Social and Humanitarian Research. 2022/6/15
64. YS Vaxromjon og'li. Studying The History Of The Epthtalite Period Of The Fergana Valley In Foreign Studies // Gospodarka i Innowacje. 2022/6/15